

ТОНТЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 68 (6810)
1997 йил, 3 сентябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда




**БАЙРАМ САЙЛИДАН
РЕПОРТАЖ**

Бухоро вилояти Жондор туманидаги 20-ўрта мактабнинг 7-ва 5-синф ўқувчилари Салима ва Латофат ДЎСТОВАЛАР:

— Отажоним бизни анчадан буён «Сизларни мустақиллик байрами куни Тошкентга Мустақиллик майдонига олиб бораман, маза қилиб томоша қилиб келасизлар, кейин қурган кечирганларингизни мактабдаги дустларингизга айтиб бера-сизлар» — деб суюнтириб келардилар. Поездда келаятиб синглим Латофат ойимдан, «Ойижон, озодлик нима?» деб суради. Шунда онажоним: «Эй қизалогим, озодлик бу дунёдаги энг муқаддас ва қийматини ҳеч нарса билан улчаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Бундан ун йиллар олдин мен бир гуруҳ делегат ўқитувчилар билан бирга Америкага борган эдим.

ОЛТИ ЙИЛ ЮРАКДА КУЛГАН УЛУФ ШОН, АССАЛОМ ОЗОДЛИК, АССАЛОМ ВАТАН!



Ушанда Нью-Йорклик талабалар билан булган мулоқотда улар, сизлар қаерликсиз, миллатингиз нима? — деб сурашди. Биз: «Ўзбекистонликмиз, миллатимиз ЎЗБЕК» деб жавоб бердик. Шунда талабалар хайронликдан қўзларини катта-катта очиб: «Ие, Ўзбекистон қаер, у Россиями?», — деб сурашди. Мана, қурдингми қизим, бугун Ўзбекистон деса бутун дунё танийди. Шу қисқа фурсат ичида биз бутун дунёга танилдик» — дедилар.

Қашқадарё вилояти Қамаш шаҳридаги Беруний номли 21-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Фарҳод ЭГАМБЕРДИЕВ:

— Мен ҳар йили мустақиллик байрамини Тошкентда кутаман. Менимча байрамлар ичида энг яхшиси бу озодлигимиз ва ҳурлигимиз эълон қилинган кундир. Назаримда бу йилги байрам ҳар йилгига қараганда қизиқарлироқ ва яхшироқ утаёт-

гандай. «Эй, кечирасиз. Мен яхши қурадиган «Болалар» гуруҳи уз чиқиш дастурини бошлаб юборди, мен уларнинг қўшиқларини жуда яхши қураман. Бориб роса эшитгим келяпти, балки сиз билан кейинроқ суҳбатлашарман».

Тошкентлик 6 ёшли ХУРИЯТ:

— Мен дадамларни, ойимларни укам Бахтиёрни ҳамма ҳаммалигини жуда яхши қураман. Мана шу майдонни, байрамни, Озодликни ва боғча опамларни ҳам яхши қураман. Ҳозир улар ўргатган шеърни айтиб бераман:

*Бағри кенг ўзбекнинг, ўчмас иймони,
Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот.
Истиқлол машъали,
тинчлик посбони
Халқсевар она юрт мангу бўл обод!*

● **Қутлов**



**МУКОФОТ
МУБОРАК БЎЛСИН,**

МАНЗУРА ОПА!

Улуг айём — Мустақиллигимизнинг олти йиллиги арафасида қўқонлик-математика фани ўқитувчиси Манзураҳон опа Мадалиева «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор булганлиги ҳақидаги хушxabар тарқалди.

Шу куни устоз тугилиб усган «Дегрезлик» маҳаллада, сунгра, Қўқон шаҳрида байрам байрамга улашиб кетди. Опани табриклар келувчиларнинг кети узилмади. Айниқса, болажонларни айтмайсизми? Қўлариди гул-у, кўнгилларида фахр билан ийманибгина эшикдан кириб келишганда опанинг қўзларига ёш қалқди. Қалби истиқлолга ифтихор туйғуси билан лиммолим.

Устоз — ҳаяжонини яширолмасди. Ахир, олдий ўқитувчининг энг олий нишонига сазовор булиши — бу юртда ҳалол меҳнат ҳеч қачон эл-юрт назаридан четда қолмаслигига ишора эмасми?

**Маъмура
МАДРАҲИМОВА.**

Мана, бир неча кундирки, ҳур ўлкамизда мустақиллик айёми тапталари нишонланмоқда. 31 август куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонига бошланган катта байрам шодиёнаси руҳи озод дийримизнинг ҳар бир ҳудудда кўтаринки кайфиятда давом этапти. Кеча эса мустақил Ўзбекистоннинг келажак авлоди таълим оладиган билим масканларида янги ўқув йили бошланди ва илк сабоқ истиқлол дарси бўлди.

**ЯНГИ
ИНШООТЛАР
БИЛАН ТАНИШУВ**
Мамлакатимизда мустақиллик байрами арафаси-

да янги иншоотларни фойдаланишга топшириш анъанага айланиб қолган. Бу йил юзга яқин ана шундай байрам иншоотлари бунёд этилди. Президент Ислам Каримов мам-

ҲАФТАНИНГ ЕТТИ КУНИ

лакатимиз пойтахтида қад ролстлаган «Жар» спорт маркази ҳамда «Юнусобод» теннис мажмуида қуриб битказилган усти ёпиқ теннис кортини бориб кўрди. Шунингдек, юртбошимиз Тошкент янги ҳайвонот боғи билан ҳам танишди.

ҚУТЛУФ ВОҚЕА

Республикамызда иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йулида яна бир улкан қадам қуйилди. Қоровулбозордаги замонавий технология асосида жиҳозланган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушди. Қарийб 300 гектар майдонни эгаллаган, лойиҳа қиймати деярли 500 миллион доллар булган мазкур завод утиш даври мураккабликларига қарамай қисқа муддатда қуриб битказилди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИДА

Байрам арафасида Тошкентда биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг туққизинчи сессияси булиб ўтди. Унда қатор масалалар билан бирга «Қадрлар тайёрлаш буйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонулар ҳам қабул қилинди.

Мустақиллик берган неъмат

МАКТАБГА ЯРАШАР БИЛИМДОНЛИК



Пойтахтимиздаги Сиргали туман 322-мактаб ўқувчилари бу йилдан бошлаб янги мактаб биносида билим оладилар. 1250 ўқувчи тахсил оладиган бу мактабда 2 та спорт зали, йиғилишлар зали, ёзги спорт шохобчалари мавжуд бўлиб, бу қулайликлардан

болажонлар аъло ўқиш ва баркамол тарбияда бўладилар, деб ўйлаймиз. Мактаб атрофида яшовчи Гўзал, Жавлон, Нигоралар мактаб бошланғич кутмасдан ҳар кун янги мактабда бўлдилар, десак муболага бўлмайди. Чунки янги мак-

табнинг ёруғ синф хоналари ва спорт майдонлари улар учун мўъжиза эдида!

Янги ўқув йили бошланар экан, мактаб эгалари — ўқувчилар тиришқоқликлари, билимга чанқоқликлари билан замонга мос шаклландилар, деб умид қиламиз.

Сураткаш Р. АЛБЕКОВ



Дунё яралибдики, унга не-не улуг зотлар келиб кетмади, қанчадан-қанча юрту кентлар замонлар силсиласида тупроққа қорилмади, дейсиз. Олимларимизнинг изланишлари, олиб бораётган археологик қазилмалари ва улардан чиқаётган топилмалар бизга жуда қадим замонлардан, биз шу пайтгача эшитмаган тарихлардан сўзлайди. Кўҳна битиклар ўша даврларда ном олган юрт ва шаҳарлардан шаҳодатлик беради. Инсон учун ҳаво, қуёш, сув, нон, ота-она қанчалик азиз ва муқаддас бўлса, Ватан ҳам шунчалик мўътабардир. Ватан — она тупроқдан бошланади. Ватанга муҳаббат шу тупроққа — она қишлоқ далалари, кўклам чоғида лолазорга айланган қир-адирларга, олисларда юксалган мовий ранг тоғларга, ҳатто янтоғ-у, саксовулдан бошқа гиёҳ унмаган дашту саҳроларга бўлган муҳаббатдан бошланади. Қадимда душманлар турк давлатининг ҳоқони Уғизхондан унга қарашли ташландиқ, ҳеч нарса битмайдиган бир парча ерни талаб қилишади. Бобомиз шунда: «Ватан ёлғиз бизнинг мулкимиз эмас, мазорда ётган оталаримиз ва қиёматга қадар тугилажак авлодларимизнинг бу муқаддас тупроқ устида хоқлари бордир. Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам ер бермакка ҳеч бир кимсанинг салоҳияти йўқдир», — деб жавоб беради.

Биз Ватанни севмоқни доно боболаримиздан ўрганмоғимиз керак. «Ватанни севмоқ — иймондандир». Аллоҳ таоло тилу забон, онгу тафаккур берган инсон учун Ватандан ортиқ меҳригиё борми?! Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий:

**Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ружу гурбат ҳавас айлама,**
— дейдилар.

Чунки Ватандан ташқарида бахт йўқ, бегона юрт ҳеч қачон Ватан бўлолмайди. Ҳақиқий Ватанпарварлик Ватан манфаати йўлида керак бўлса қурбон бўлишга ҳам тайёр туришда намоён бўлади. Ватан — Она каби ягонадир, ягоналиги билан муқаддас-у мукаррамдир.

Хоразм... Бу ном тилга олинганида кўз унгимизда қадим ва қадим йиллар ва асрларнинг суронлари, жангу жадаллари гавдаланади, қулогимиз остида эса қиличларнинг жаранги, Ватан учун жон бераётган углонларнинг утли нидоси жаранглайди. Фидоий қахрамонлари кўплигидан аксарият қирғинбарот жангларда бу юртнинг қули баланд келаверган. Шундай булсада, бу юртни ёвдан сақлаш келажак авлодларга омон етказиш учун

шаҳид кетганларнинг сон-саногии йўқ. Баъзи бир тарихий маълумотларга таянадиган бўлсак, Хоразм асли «Хуаразм» сўзидан олинган бўлиб, «Қуёшли юрт» маъносини англатади. Серқуёш улканинг табиати ҳам, инсонлари қалбининг қўри ҳам, барча-барча-

БАҒРИДА ҚУЁШНИ УЙФОТГАН ШАҲАР

си ўзига хослиги билан ажралиб туради. Буни Хоразм боғларидаги мева-мастонлари, полизларидаги тилёра қовунлари, дунёни лол қолдирган олим-у фузалолари, шоир-у бахшилари исботлаб турибди. Матбуотда ўқиганим, Хоразм давлатининг пойтахти Кўҳна Урганч даврида Хоразмга келган бир араб сайёҳ шундай деган экан: «Бундай гавжум вилоятни ҳеч қачон кўрмаганман. Жаҳонда фаровонлик жиҳатдан Хоразмдан афзалроқ вилоят борлигини фараз қилолмайман».

Хоразм бир тилла узук бўлса, Хива унга зумрад кўздир. Халқ хунармандчилиги ва меъморчилигида миллий услубда тикланган мадрасалар, масжидлар, минора-ю мақбаралар ҳар кимнинг ҳам ҳайратини келти-

ради. Улардаги ҳар бир нақш ўзига хос санъат намунасидир. Неча-неча асрлар ўтган бўлса ҳам обидалардаги ранг-бўёқлар ўчмаган.


Хивага борган киши ўзини бошқача ҳис қилади. Чунки, у ерда улугларнинг руҳи бор. Уларнинг салобати Сизни қанчалик босса ҳам руҳиятингиз енгил тортади, қалбингиз аллақандай ёқимли тафтдан баҳраманд бўлади. Бу ўша буюк ота-боболаримизнинг юрак тафти. Ўзбекистонимизда мустақиллик нафаси кеза бошлагандан кейин Хивамиз янада яшаргандек бўлди. Истиқлол ўзлигимизни, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни, тилимиз ва динимизни ўзимизга қайтарди.

1996 йил 3 январда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Хива шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори юрагида Ватан туйғуси жўш урган ҳар бир кишини тўлқинлантириб юборди. Шу қарор кучи билан Хива обидаларини қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу хайрли ишга барча ўз ҳиссасини қўшмоқда. Саъй-ҳаракатлар натижаси билан Совет даври тузумида эътиборсиз қолиб, еврила бошлаган деворларга қайта умр бағишланди. Бу йил жаҳоннинг нуфузли ташкилоти ЮНЕСКО раҳнамолигида Хиванинг 2500 йиллиги юбилейи дунё миқёсида кенг нишонланади.

Ватанни севиб, ундан фахрлана олиш туйғуси ҳар биримизнинг дилимиздан чуқур жой олмоғи лозим. Биз тугилиб усган юрт Хоразм экан, фахримиз саналган Хива унинг бир бўлагидир. Не-не маконлар, не-не уммонлар ошиб уни зиёрат қилишга сайёҳлар келишади. Биз ҳам бу юрт тупроғини, аждодларимиз қўлларининг тафти сингган тошларини, буюк боболаримиз хоки покларини тавоф қилишимиз, уларнинг ҳар бир тошию, устунларини кўз қорачиғидай асрамоғимиз керак, токи биздан кейинги авлодлар ҳам боболари ишларидан фахрлансинлар!

**Минорлар эмас бу — фалакка қасам,
Қасоскор боболар кетмишлар санчиб.
Қадим Хоразмнинг кенг довруғидан
Ўлик фиръавнлар кетарлар сапчиб.**

Пошшахон КЕНЖАЕВА,
Хоразм вилояти, Богот тумани
У. Юсупов номли мактаб ўқувчиси.





Болалар!

Сизлар туғилиб яшаётган давр муъжизаларга, ақл бовар қилмас сеҳрли ҳодисаларга бойдир. Узоққа бормаи, уй ичидаги ойнаи жаҳонни олайлик. Сиз дунёда булаётган ҳар хил воқеалардан хабар топасиз, бошқа қитъаларга



ҳам, табиат ва ҳайвонот оламига ҳам кириб бора оласиз. Сиз маза қилиб телевизор куриб утирган пайтингизда

телевидениеси Марказий Осиёда энг илғор ва бой техникага эга булган телемаскандир.

Сиз бугун қаерга борманг, чўпон утовигами, деҳқон шийпони, хоҳ тоғ ораларида яшаётган геологлар чодиригами, энг узоқ кишлоқларгами — ҳамма-ҳамма жойда «телевизор» деб аталган муъжизали қутига қузингиз тушади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида бир неча каналларда кеча-ю кундуз телекурсаулар намойиш қилинади. Лекин, бу дегани — уша мамлакатлар одамлари кечаю кундуз фақат телевизор куриб ётаверади дегани эмас. Узимизга келсак, бизнинг мамлакатимиз телевидениесида ту-

Телеолам

диган келгуси мақолаларда, телевизион курсатувларимизда телевидение ҳақида, унинг қалдирғоч ижодкорлари ва ҳозирда фаолият курсатаётган тележурналистлар, телережисёрлар, тасвирчилар, рассомлар теледикторлар ҳақида ҳикоя қилиб борамиз. Сизларни қизиқтирган барча саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Сиз газетада эълон қилинадиган «Телеолам» рукнидаги мақолаларни, телевидениеда намойиш қилинадиган шу номдаги курсатувни мунтазам кузатиб борсангиз узингиз унинг қаҳрамонига айланишингиз ҳам мумкин. Энг фаол иштирокчиларга эса, бизнинг совғаларимиз бор.

Шоира НИЗОМОВА,
Ўзбекистон
Телевидениеси катта
мухбири.



МУЪЖИЗАЛИ ҚУТИ

мана шу муъжизали қути қандай яратилгани ҳақида ҳеч уйлаб қурганмисиз?

ТОШКЕНТ — ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВАТАНИ

1928 йилда Ўзбекистонда яшаётган ихтирочилар В. Грабовский ва И. Белянскийлар электрон — нур ёрдамида ҳаракатдаги тасвирни бир жойдан иккинчи жойга узатадиган ва қабул қиладиган мослама яратдилар. Шу тариқа Тошкентимизда жаҳонда илк бор телевидениега асос солинди. Кейинчалик бу улуг ихтиро такомиллаша бориб, мунтазам телевизион курсатувлар намойиши 1936 йил Буюк Британия ва Германияда, 1941 йили эса АҚШда бошланди. Ўзбекистонда илк бор 1956 йил ноябрда Марказий Осиё ҳудудида биринчи булиб телевизион курсатувлар узатила бошланди. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон

ртта каналда ҳар кун мунтазам курсатувлар бериб борилади. Булар ичида болаларга мўлжалланган курсатувлар ҳам талайгина. Бу курсатувларни сиз уқишдан кейин, ота-онангизга уй юмушларида ёрдам бериб булгач, дарсларни тайёрлаб булганингиздан сунг мириқиб томоша қиласизлар. Чунки, болажонлар учун биринчи галдаги вазифа — мактаб сабоқларини аъло узлаштиришдир. Бунда эса телевидение ҳам болаларга дунёқарашини кенгайтириш, истеъдодини тарбиялаш, одоб-ахлоқли булиш, Ватанни севиш, хуллас барча эзгу фазилатларни камол топтира боришда ёрдам беради.

Телевидениеда сизлар учун мазмунли курсатувлар тайёрлашда фикр-мулоҳазаларингиз, хатларингиз, шеър ва ҳикояларингиз, чизган расмларингиз асос қилиб олинади. Албатта биз газетада берила-



ТВ архивдан

Севишли шоиримиз Қуддус МУҲАММАДИЙ. 1970 йил.

Унвонларни биласизми?

Болалар! Ҳаммангиз Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ат-Термизий, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий каби буюк алломаларни яхши биласиз. Ана шундай буюк сиймолар жаҳон илм хазинасини ўзларининг шоҳ асарлари билан бойитиб, халқимиз, миллатимиз номини, шон-шарафини тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар ила битиб кетганлар. Бугунги кунда ҳам ўша бобокалонларимиз каби Ватан ва истиқлол равнақи йўлида хизмат қилаётган фидоий инсонлар жуда кўп. Бизнинг мустақил Ватанимизда ана шундай фидоий инсонларнинг меҳнатлари қадрланишини, ижодий ишларига юксак баҳо берилишини яхши биласиз. Бироқ, ушбу унвону мукофотларнинг келиб чиқиш тарихини, кимлар уларга сазовор бўлишини биласизми? Билмасангиз, билиб олинг.

1. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти

Тасвирий ва амалий санъат, халқ хунармандчилиги соҳасида **Камолитдин Бехзод номидаги Давлат мукофоти.**

Бу мукофотлар ҳар уч йилда халқимиз юрагидан жой олган, санъатимиз, маънавиятимизни юксакликка олиб чиққан адабиёт ва санъат намоёндаларига Ўзбекистон Президенти фармони билан бирга берилади ва уларга махсус диплом ҳамда кўкрак нишони билан тоштирилади. Айни замонда мукофот голибларига пул мукофоти ҳам қўшиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Давлат Мукофоти 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан таъсис этилган булиб, Республика маданий ҳаётида катта воқеа деб тан олинган, миллий қадриятларимиз хазинасини бойитган, Республикада ва чет элларда эълон қилинган, алоҳида китоб шаклида нашр қилинган, оммавий равишда ижро этилган, курсатилган ва намойиш қилинган, шунингдек, кенг жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги энг ёрқин ва сермазмун бадиий асарлар, санъат намуналари учун берилади.

Алишер Навоий номидаги Давлат Мукофотига илк бор 1991 йилда: севишли адибларимиз — Абдулла Қодирий, Абдулхамид



Чулпон, Абдурауф Фитратлар сазовор булганлар.

Ушбу мукофот иккинчи мартаба 1994 йилда адабиёт соҳасида: Абдулла Ориповга — «Муножот» сайланма шеърый туплами учун;

Шукруллога — «Кафансиз қумилганлар» хотира романи учун; Барот Бойқобиловга — «Навоийнома» чор китоби учун берилган.

Учинчи мартаба — Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳридаги Темурийлар қурдирган асрий обидаларни қайта тиклашдаги катта хизматлари учун бир гуруҳ меъморларга берилди.

Дилрабо ДАВЛАТОВА
тайёрлади.

Ўқувчи либоси

борлиги ҳам янада киши диққатини узига тортади. Ҳар бир угил-қиз либосидаги қора рангли буйинбоққа юртимиз байроғининг кичик нусхаси туширилган. Бу либос бозордаги баҳодан арзонлиги, битта либос 400 сум, нари борса 500 сум билан тайёр булиши орқали ота-оналарга ҳам снгиллик туғдирмоқда.

Чиройли қилиб таъмирлашдан чиқарилган синф хоналарига голиб булган мактаб либосларида угил-қизларнинг кириб келиши ҳам мактаб куркига курк қушиши тайин. Хуллас, мактаб уз номи билан билим учоғи, зиё тарқатувчи маскан! Шундай экан, мактаб уз либосига эга булмоғи керак.

Қаҳрамон ЗОКИРОВ,
Андижон вилояти,
Шаҳрихон тумани,
Чорчаман кишлоғи.

ҲАМ БЕЖИРИМ, ҲАМ ГЎЗАЛ

Яхши гапнинг қаноти бор дейишади. 29-мактабдаги янгилик ҳаш-паш дегунча қушни мактабларга стиб борди. Эмишки, Шаҳрихон тумани ва шаҳридаги мактаблар уртасида утказилган мактаб либоси танловида ушбу 29-мактаб ўқувчиларининг либоси юқори баҳоланибди. 14 та мактаб уртасида бу қадар муваффақиятга эришиш осонликча булмагандир? Шаҳрихон туман халқ таълими булими мудир Муҳиддин Мирзасвдан шундай жавоб олди:

— Вилоят халқ таълими бошқармасининг қарори билан утказилган «Мактаб либоси қандай булмоғи керак» танлови катта тортишувларга сабаб булди. Тавсия қилинган ҳар бир либос гузал, бежирим. Бирини яхши, би-

рини ёмон деб ҳам баҳолай олмайсиз.

Айниқса, Мамадали Толибов раҳбарлик қиладиган 29-мактабнинг тақдим этган либоси туманда энг олий уринга сазовор булди. Либослар вилоят куркига тавсия қилинди. Шаҳрихонлик моҳир чевар Одинахон Отахонова қулида бунел булган бу либослар вилоят танловида ҳам биринчилиқни олди. 3-босқичда танланган либослар ешига қараб синфларга ажратилди. Одинахон бир неча моҳир қулли шогирдлари ёрдамида бошлангич синфлар учун махсус оқ ранг, 5-6-7-синфлар учун кук ранг, юқори синфлар учун эса оқ аралаш қора рангли либослар танлаб олдилар. Либосларнинг тикилишида миллий, ўзбеккона безак чокларини

ВАТАН ЭРКИНИ КУЙЛАЙМИЗ

МУСТАҚИЛЛИК


Мустақиллик, мустақкам
 Пойдеворинг бор булсин,
 Қаддинг тоғдек юксалиб,
 Бағринг чаманзор булсин.
 Оллоҳ берган ёрлақаб,
 Эркин ақлу ҳушимсан.
 Ўзбекистон бошига
 Қунган хумо қушимсан.
 Энди мудом угил-қиз,
 Уз юртига, узи бек.
 Қутлуг ёшинг муборак,
 Мустақиллик — буюк эрк!
 Мустақиллик мухтасар,
 Қиёси йук, хур бустон.
 Вали куйлаб, битмаган —
 Ширин газал, куй, достон.

Вали АХМАДЖОН,
 Фаргона вилояти, Богдод
 туманидаги 3-урта мактаб
 ўқувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН

Менинг Ватаним гўзал,
 Тупроғи зар, бебаҳо
 Боғлари тўла асал,
 Одамлари зўр, даҳо.

Гулноза МУСАЖОНОВА,
 Тошкентдаги 243-
 мактабнинг 4-«Б» синф
 ўқувчиси.



ИСТИҚЛОЛ ВА МЕН

Истиқлол усаёпти
 Мен билан бирга.
 Утган олти йил вақтни
 Солайин шеърга.

Мен кулимга китобни,
 Ушлаган кезде.
 Мустақиллик офтоби,
 Порлади кузда.

Ургандим ҳисоб-китоб,
 Уқиш-ёзишни.
 Юртим урганди шитоб
 Олтин қазисни.

Ҳам илмим, ҳам Истиқлол
 Булаёпти қатта.
 Бутун дунё
 бизга лол—
 Булар албатта!

Малика АЗИМОВА,
 Собир Раҳимов
 туманидаги 111- мактаб
 ўқувчиси.

Таътил қандай ўтди, болалик?

ЭНГ ЯХШИ ГУЛЧИ

Уқишлар тугаб ёзги таътилга кетиш олдидан, синф хона-
 миздаги туваклардаги гулларни қизлар билан келишиб, уй-
 уйимизга олиб кетиб, парваришлайдиган булдик. Синф



раҳбаримиз Сайё-
 ра опа гулларни
 ҳаммамизга
 руйхат буйича бу-
 либ бердилар.
 Менга ҳам икки-
 та тувак гул тег-
 ди. Гулларни уйга
 олиб келиб усти-
 ра бошладим. Тез
 орада гуллар гур-
 кираб ушиб тувак-
 ларга сиғмай қол-
 ди. Онам билан
 гулларни катта-
 роқ тувакларга

кучирдик, ёнидан чиққан шохларидан узиб олиб, сувга солиб
 илдиз оттириб бошқа тувакларга утказдик. Шундай қилиб
 гуллар кўпайтиришга астойдил киришиб кетдим. Уртоқла-
 римдан хонаки гулларнинг бошқа хилларидан олиб илдиз
 оттириб тувакларга утказа бошладим. Ҳозиргача устираётган
 гулларим сони 15 тага етди.

Таътил тугаб яна мактабимиз бағрига қайтаёпмиз. Шунда
 мен узим кўпайтирган гулларимдан энг яхши устанларини
 синф хонамизнинг «Яшил бурчаги»га олиб чиқиб қўяман.
 Синфимиз қизлари орасида «кимнинг устирган гули яхши»
 куриги булади. «Энг яхши гулчи»га эса синф раҳбаримиз
 Сайёра опам ҳар галгидек «сирли совға» тайёрлайдилар.

Гулноза МАҚСУДОВА,
 Тошкент туманидаги 25-мактабнинг
 4-синф ўқувчиси.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» тахририятини
 меҳрибон устозлар,

Эшрак ва Зўкко
 болажонлар

ва уларнинг раҳбар ота-оналарини, шунингдек, ўз-
 яқиндаги мушарриф ва мухбирларимизни
 МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ҳамда
 БИЛИMLAP КУНИ билан кутлайди ва эзу
 ниятларини йўлайди.

КУЛОККА ЧАЛИНТАН ТАЛЛАР

Адҳам уйда дарс тайёрлаш пайтида бир пие-
 ла кук чой ичса бир соат ухлармиш...

Азимжонлар боғида бир туп антиқа дарахт
 бормиш: кундузи дарахтга ухшармиш, кечаси
 ҳамма барги лампочкадек ёруғ берармиш.

Куни кеча Дилдора мактабга бир соат тақиб

келибди, у шивирлаб гапириб, ишаргалка вази-
 фасини утаркан.

Қизик. Санталат тушида ўқитувчиси еча
 олмайдиған алгебра мисолларини бемалол иш-
 лаб ташлармиш.

Трамвайда Бурибойнинг кундалик дафтари-
 ни угирлаб кетишибди.



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Тахрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
 ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
 РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадаҳон
 ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
 ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ПВМ компютерида терилди ва
 саҳифаланди. Офсет усулида
 босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
 Буяртма — Г-0520.
 10960 нусхада босилди.
 Қоғоз бичими — А-3.
 Босишга топшириш вақти 19.00
 Топширилди — 18.30
 Навбағчи муҳаррир М. Муродова

Руйхатдан утин тартиби
 № 000137
 Маълумимиз: 700083,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси,
 32-уй.
 Напр курсаткичи: № 64563
 Телефон: 1-33-44-25